
ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ ҚАРИЙБ 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЛГАН ЯНГИ ТЕКСТИЛЬ КОРХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри “1-Бешбола” МФЙ ҳудудида “А.Ақбарали” МЧЖ томонидан амалга оширилган трикотаж матолари тўқиш ҳамда трикотаж ва сочиқ маҳсулотларини бўяш лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳа қиймати қарийб 10 миллион доллар бўлган ушбу корхонада 300 та янги иш ўрни яратилмоқда. Ҳозирда қурилиш ҳамда технологияларни ўрнатиш ишлари якунланган, линия яқин муддатда ишга туширилади.

Янги линияга Туркия, Италия ва Хитойдан келтирилган қиймати 7,3 миллион долларлик замонавий ускуналар ўрнатилди. Лойиҳа натижасида йиллик 2184 тонна трикотаж матосини тўқиш, 3360 тонна трикотаж матосини ҳамда 1680 тонна момиқ сочиқ матосини бўяш қуввати шакллантирилди. Йиллик 130 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 6,8 миллион долларлик маҳсулотни экспортга йўналтириш кўзда тутилган.

Корхонада матоларни бўяш жараёнида ишлатилган сувни оқава сув оқимиغا чиқаришдан аввал тозалаш учун 7 та ҳовуздан иборат замонавий сув тозалаш иншооти ҳам барпо этилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-11-19 21:14:50